

Авратларимиздан қайси бирини тўсайлик, қайси бирини қўяйлик?



15:06 / 05.01.2020 3738

أَهْنَمُ يَتُّنْ أَمَّ أَنْتَ أَرْوَعُ هَلْ لَ لْ أَوْ سَرَّ أَيْ تُتْلِقُ لَاقٍ وَدَجَّ نَعٍ، هَيْبَ أَيْ نَعٍ، مَيْ كَحِ نَبِّ زَهَبٍ نَعٍ
هَلْ لَ لْ أَوْ سَرَّ أَيْ تُتْلِقُ، كُنْ يَمَّ يَتُّنْ كَلَمَّ أَمَّ وَأَلْ كَتَّ جَوْزٍ نَمَّ أَلْ كَتَّ رَوْعٍ طَفْحًا بَلَّاقٍ؟ رَدَّنْ أَمَّ وَ
أَهْنَمُ يَتُّنْ أَلْفُ دَحَّ أَهْنَمُ يَتُّنْ أَلْفُ دَحَّ
نَمَّ هُنَّ مَيْ يَحْتَسُّي نَقَّ حَاقٍ هَلْ لَ لْ أَوْ سَرَّ أَيْ تُتْلِقُ
هُضْعَبَّ يَرَاخُ بَلَّ لَوْ نَسَّ لَ أَوْ سَرَّ أَيْ هَاوَرَّ سَانَّ لَ

Баҳз Ибн Ҳакиймдан, у отасидан, у эса бобосидан ривоят қилади:

«Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, авратларимиздан қайси бирини тўсайлик, қайси бирини қўяйлик?» дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Авратингни хотининг ва чўрингдан бошқадан муҳофаза қил», дедилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, агар одамлар бир-бирлари билан бирга бўлсаларчи?» дедим. У зот:

«Агар уни бирор киши зинҳор кўрмаслигига қодир бўлсанг, зинҳор кўрмасин», дедилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бирортамиз ўзи холи бўлганда-чи?» дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамлардан кўра Аллоҳдан ҳаё қилинмоғи ҳақлироқдир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Бухорий баъзисини ривоят қилган.

Баҳз ибн Ҳакиймнинг оталари Ҳакийм ибн Муовиядирлар. У киши тобеъинлардан бўлиб, ишончли одам бўлган. Баҳз ибн Ҳакиймнинг боболари Муовия ибн Ҳайдата бўлиб, у киши саҳобийлардан бўлганлар.

Ҳадисларни боболари ва оталаридан ривоят қилдилар. Бу кишидан Саврий, Химода ибн Салама, Маъмур, Абу Осим, Марвон ибн Мубораклар ривоят қилганлар.

Бу ҳадисда Муовия ибн Ҳайдата розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраган бир неча масалалар ва уларга берилган жавоблар келтирилмоқда:

«Эй Аллоҳнинг Расули, авратларимиздан қайси бирини тўсайлик, қайси бирини қўяйлик?»

«Авратингни хотининг ва чўрингдан бошқадан муҳофаза қил».

Демак, эркак киши тиззаси билан киндиги орасидаги аъзоларини ўз хотини ва чўрисидан беркитмаса ҳам бўлар экан. Аммо бошқалардан тўсмоғи вожибдир.

«Эй Аллоҳнинг Расули, агар одамлар бир-бирлари билан бирга бўлсаларчи?» Унда нима қилади? Баъзи вақтларда беихтиёр баъзи жойлар кўриниб

қолиши мумкин-ку?

«Агар уни бирор киши зинҳор кўрмаслигига қодир бўлсанг, зинҳор кўрмасин».

Яъни, кўпчиликнинг ичида, ноқулай ҳолатда бўлсанг ҳам авратингни бировга зинҳор кўрсатмасликка ҳаракат қил.

«Эй Аллоҳнинг Расули, бирортамиз ўзи холи бўлганда-чи?»

«Одамлардан кўра Аллоҳдан ҳаё қилинмоғи ҳақлироқдир».

Яъни, авратни тўсиш масаласида одамлардан кўра кўпроқ Аллоҳдан ҳаё қилмоқ зарур.

Шунга биноан, «Холи одам ўзини тўсмай ғусл қилганидан кўра авратини тўсиб ғусл қилгани афзал», дейилган.

Имом Бухорий ўзларининг Саҳиҳларида «Ўзи ёлғиз, холи жойда яланғоч ғусл қилган ва тўсиниб ғусл қилган одам. Тўсмоқлик афзаллиги ҳақида боб» номли боб очганлар.

Бошқа ҳадислар, хусусан, Мусо ва Айюб алайҳиссаломларнинг яланғоч ҳолда ғусл қилганларини васф қилувчи ҳадисларни далил қилиб, барча фақиҳлар «Ғусл вақтида холи бўлган одам авратини тўсиши мустаҳабдир», деганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аврат ҳақида савол бериб, билиб олиш яхшилиги.
2. Эркак киши ўз хотини ва чўрисидан авратини тўсмаса жоизлиги.
3. Хотин ва чўридан бошқадан авратни тўсиш лозимлиги.
4. Одамлар ичида бўлганда ҳам зинҳор авратни ўзгага кўрсатмасликка ҳаракат қилиш зарурлиги.
5. Холи бўлган одам авратини тўсиб ғусл қилиши афзаллиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан